

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgtz.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 27 ноябрь • № 45-46 (1326-1327)

## ПРЕЗИДЕНТ КЎП ТАРМОҚЛИ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҚУРИЛИШНИ БОРИБ КЎРДИ

**Шавкат Мирзиёев Мирзо Улуғбек туманидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт маркази қурилишینی бориб кўрди.**

Марказ ўз номи билан кўп тармоқли. Бу ерда жарроҳлик, реанимация, кўз микрохирургияси, умумий терапия, нефрология, пульмонология, гепатология, аллергология, кардиология, қон-томир жарроҳлиги, кардио-реанимация, стоматология, гастроэнтерология, эндокринология ва бошқа ихтисослаштирилган бўлимлар бўлади. Тиббий хизматлар халқаро стандартлар асосида комплекс тарзда кўрсатилади.

– Бундай, ҳамма йўналишни қамраб олган клиникани бошқариш тажрибаси бизда йўқ. Шунинг учун бу ерни бошқаришни тажрибали хорижлик менежерларга бериш, уларни ҳозирдан жалб этиб, қурилиш ва жиҳозлаш бўйича таклифларини олиш зарур, – **деди давлат раҳбари.**

Марказда 600 та койка бўлади. Амбулатор ва стационар тартибда 200 дан ортиқ тиббий хизмат йўлга қўйилади.

Йилига 3000 дан зиёд, жумладан, аорта-коронар шунтлаш, эстетик-пластик хирургия, артропластика, орган ва тўқималарни кўчириб ўтказиш каби юқори технологик жарроҳлик амалиётларини бажариш мумкин бўлади.

Президент Қорақалпоғистон ва вилоятларда қуриладиган клиникаларни ушбу марказ билан боғлаш муҳимлигини таъкидлади.

– Беморлар учун энг азоблиси - йўл. Узоқ ҳудудлардаги касалларга масофадан ташхис қўйиш ва даволашни ташкил этиб, халқимизни шу қийинчиликдан халос қилиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Марказ фаолиятини ташкил этишда халқаро алоқаларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Германия, Туркия, Жанубий Корея, Россия каби давлатларнинг етакчи клиникалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, чет эллик шифокорлар ишга олиниши мўлжалланган.

Бу ерда 250 нафар шифокор, 500 нафар ўрта тиббиёт ходими ишлайди. Малякали кадрлар тайёрлаш мақсадида таълим-амалиёт-илм-фан интеграциясига кенг ўрин берилди.

Халқ тилида “эски ТошМИ” деб юритиладиган ҳудудда қуриладиган ушбу замонавий шифохона келгуси йил декабрда фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Республика шойлини тиббий ёрдам илмий марказига ташриф буюрди. Бу ерда кардиожарроҳлик, трансплантология ва нейрон-томир жарроҳлиги бўлимлари учун 75 ўринли янги бино қурилмоқда. Бунинг натижасида мазкур мураккаб йўналишларда замонавий шароит яратилади, ҳам жарроҳлик амалиётлари ўтказиш қамрови ошади.

Ушбу бўлимларда йилига қўшимча 3 минг беморга юқори технологик шойлини тиббий ёрдам кўрсатишга имконият бўлади. Бу ерда ишлайдиган шифокорлар Австрия, Туркия ва Япониядаги етак-

чи тиббий илмий марказларда малака ошириб қайтди.

Бундан ташқари, интервенцион муолажалар бўлимида ҳар йили қўшимча мингдан зиёд ўткир коронар синдром, бош мия қон айланишининг ўткир бузилишида юқори даражадаги минимал инвазив диагностика ва даволаш муолажалари ўтказилади.

Шунингдек, бинода реанимация бўлими, интенсив даволаш ўринлари, амалиёт бўлимлари, юқори технологик ускуналарга эга ташхислаш бўлими бўлади. Янги иморат 2021 йилда фойдаланишга топширилади.

Президент бўлимлар қурилишینی кўздан кечирди. Бу шифохона илмий марказ эканига алоҳида урғу бериб, малякали хизмат қамровини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун уни бирламчи бўғин билан боғлаш, чет элдан олимларни жалб этиб, жойлардаги шифокорлар билан тажриба алмаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

**Манба:** www.president.uz

## ЎҚИТУВЧИ ВА ШИФОКОРЛАР БИЛАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ва педагоглар билан мулоқот қилди.**

– Тошкентда сифатли тиббий хизмат ва мактаб таълимига қандай эришамиз? Мени шу савол қўйнайдими. Сизлар билан учрашишдан мақсад – кўйи тизимдаги масалаларни билиш, тўғри йўл тутиш, – **деди давлатимиз раҳбари.**

2020 йил барча соҳалар учун катта синов бўлди. Тиббиёт ходимлари ҳам, ўқитувчилар ҳам янги шарт-шароитда ишлашига тўғри келди.

– Оғир синовлар пайтида бирлашдик. Бу синовлар бизни изланишга мажбур қилди. Шунинг учун натижа бўлди, – **деди Президент.**

Айни пайтда, пандемия қайси соҳаларда оқсаш борлигини

ни, ислоҳот, ривожланиш йўналишларини ҳам кўрсатиб берди. Жорий йил 30 октябрь куни таълим-тарбия тизими, 6 ноябрда эса соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишлари шу мақсадга қаратилган эди. Уларда муҳокама қилинган долзарб масалалар ва билдирилган таклифлар асосида таълим-тарбия ва илм-фанни ривожлантириш, бирламчи тиббий муассасалар фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш бўйича Президентнинг фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Бугунги учрашувда таълим ва

тиббиёт соҳаларидаги ислоҳотларнинг аҳамияти, уларни кўйи тизимда амалга ошириш чоралари ҳақида суҳбатлашилди.

Шавкат Мирзиёев аҳоли соғлиқни сақлаш тизимидан норози эканини таъкидлади.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволашнинг илғор тажрибасини жорий этиш, тиббиёт муассасалари шароитини яхшилаш бўйича фикрлар билдирди.

Соғлиқни сақлаш ва таълим тизимлари аҳоли саломатлиги, ёш авлод камолотида ҳамоҳанг экани таъкидланди.

– Тиббиёт ва таълим – давлат ва халқ ўртасидаги адолат кўприги, – **деди таъкидлади Шавкат Мирзиёев.** – Ҳаммамиз ўзимизни қийнаб, ҳалол бўлиб, бу тизимларни тўғрилаб олсак, ана



шунда адолат таъминланади. Халқимиз рози бўлади. Тошкент бунда намуна бўлиши керак.

– Шифохонадан чиққан 20 та

одам билан гаплашдинглар, ҳаммасини айтади. Кўпчилик тиббий хизматлар сифатидан норози, – **деди Президент.**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Корея Республикаси “Knowledge Sharing Program” (KSP) билимлар билан алмашиш дастури доирасида COVID-19 оқибатларини бартараф этиш ва ковиддан кейинги даврда билимлар билан алмашиш масалаларига бағишланган конференция видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтди.**

Жанубий Корея Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Тараққиёт институти, Савдо ва инвестицияларни қўллаб-қувватлаш агентлиги ва Корея Эксимбанки томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоков ҳам иштирок этди. Анжуман ялпи мажлисида Кореянинг

тегишли идора, ташкилот ва институтлари томонидан эпидемиядан кейинги даврда халқаро ташкилотлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик бўйича янги стратегия тақдим этилди, самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйишда KSP дастури ролини ошириш истиқболли кўриб чиқилди.

“Knowledge Sharing Program” Кореядаги етакчи давлат ташки-

лотлари томонидан иқтисодиёт ва саноатнинг турли тармоқларини ривожлантириш бўйича бераз маслаҳат бериш мақсадида ташкил этилган.

Ўзбекистон ушбу дастур доирасида Корея билан 2004 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келяпти. Ўтган давр мобайнида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, савдо-сотиқни фаоллаштириш, энергетика соҳасини ривожлантириш, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тақомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини мустаҳкам-

лаш бўйича 19 та лойиҳа амалга оширилди.

Мулоқот давомида нафақат Корея, балки Вьетнам ва Индонезия каби қўшни мамлакатларда ҳам яхши натижа берган институционал ва бошқарув салоҳиятини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш, пандемия оқибатини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар самараси эътироф этилди.

Вирус тарқалишига қарши кураш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва иқтисодий фаолиятни тиклаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун хал-

қаро даражада ўзаро мувофиқлаштирилган яқин ҳамкорлик зарурлиги таъкидланди. Шу нуқтаи назардан конференция иштирокчилари соғлиқни сақлаш соҳасида ўзаро тажриба алмашиш ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича қўшма тадбирлар амалга оширишга қизиқиш билдирдилар. Инқироздан кейинги даврда халқаро ташкилотларнинг кўп томонлама ҳамкорлиги бўйича комплекс стратегияни амалга оширишда иштирок этишга тайёрлик изҳор этилди.

ЎЗА.

## Миллатимиз бойлиги

## ТИЛ ҲАР БИР МИЛЛАТ МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗАГИДИР

**Инсон яралмишларнинг гултожи, улуг зотдир. Инсонни улуглайдиган асосий неъматлардан бири – унга забон берилганидир. Аллоҳ таоло инсонни тўла-тўқис, мўътадил ва энг чиройли суратда яратганлигини ўз каломи Қуръони каримда очик-ойдин баён қилган.**

Бир тилда сўзлашувчи инсонлар жамоаси миллатни ташкил этади. Шунинг учун ҳам тил – миллатнинг бойлиги, туганмас хазинаси, кўзгуси деб эътироф этилади. Ватанимиз мустақилликка эришгач, она тилимиз ўзининг ҳақиқий ўрни ва мавқеига эга бўлди, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб кўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси, Конституцияси қаторида турайдиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзигидир. Шу сабабли ҳам тилнинг сақланиши халқ тараққиёти ва келажагини белгилайди. Тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашимиз керак бўлади.

Инсон бошқа махлуқотлардан фарқли ўлароқ, ўз фикри-

ни бошқаларга етказиш имкониятига эга. Фикр оғзаки ва ёзма шаклда етказилиши мумкин. Нутқнинг бу икки шаклининг ўз афзалликлари ва заруриятлари борки, уларнинг иккисидан ҳам ўз ўрнида фойдалансак, ҳақиқий мулоқот ҳосил бўлади. Оғзаки нутқ товуш орқали ифода этилиб, ҳамсухбатга бевосита етказилади. Ёзма нутқ эса турли ашёларга кўриш асосида идрок қилинадиган доимий белгилар, ҳарфлар орқали битиб қўйилади. Ёзув кишиларнинг ўзаро фикр алмашиш ва билимларни эгаллашнинг қудратли воситаси ҳисобланади. Ёзма нутқ авлодларни бири-бирига боғлайди, узоқ даврлар мобайнида сақланади. Ёзув тўфайли кишилар фикри, инсоният қўлга киритган билимлар авлоддан-авлодга етиб боради, узоқ муддат яшайди. Аллоҳ таоло Ўз Каломи шарифида: “У (Аллоҳ) қалам билан илм ўргатгандир”, - дея марҳамат қилган.

Тил шунчалар муҳум, зарур ва азиз илоҳий неъмат экан унга бўлган муносабат ҳам шу даражада жиддий бўлиши зарур. Шу сабабли алифбони такомиллаштириш, уни ўзгартириш ўта масъулиятли ишдир. Аслида жиддий, асосли эътирозларим бўлса ҳам 1995 йилда қабул қилинган лотин алифбосини жорий қилиш

ҳақидаги қарорни муҳокама қилмоқчи эмасман. Чунки бу тарих, бу қарорни қабул қилганларнинг ўша даврда бунинг учун объектив сабаблари бўлгандир. Лекин бир нарсани билишимиз лозимки, бадий адабиётни лотин алифбосига ўгириш ва ундан баҳраманд бўлишнинг имкони топилар, аммо илмий адабиётлардан, техникавий ҳужжатлардан, архивлардан фойдаланиш учун биздан кейинги авлод биз ўз меросимиздан фойдалана олмаётган мушкул ҳолатимизга рўбарў келиши аниқ.

Қарор қабул қилинганига сезиларли муддат ўтганига қарамай нима учун халқимиз янги имлога ўта олмаяпти? Бир қанча маъмурий, инсон омили билан боғлиқ сабаблар билан бир қаторда объектив тўсиқлар ҳам мавжудки, лотин алифбоси турмушимизга ўрнашиб кета олмаяпти. Масалан, кирилл алифбосида ҳар бир товуш учун алоҳида ҳарф белгилангани, тутиқ ва бошқа қўшимча белгилар бўлмагани сабабли бундай матнни ўқиш ва ёзиш силлиқ бажарилади. Таклиф қилинган лотин алифбосида Ш, Ч, Я, Ю товушлари икки ҳарф билан белгиланган. Ф, Ў товушларини белгилаш учун алоҳида белги берилган, лекин, ҳозирдаги айириш белгиси, янги алифбодаги тутук белгиси бирга келса матнни ўқишда қийинчилик туғилади. Ч ҳарфи билан ҳам муаммо мавжуд, уни Ш шаклида таклиф қилинмоқда. “С” белгиси янги имлода ўзи йўқ-ку, қаер-

дан у “Ч” товуши ифодасида пайдо бўлди. Янги алифбода Ц товуши учун ҳарф белгиланмаган, бу товуш айрим ўринларда S ҳарфи билан, бошқа жойда st билан белгиланмоқда.

Баъзилар бизнинг тилимизда Ц товуши йўқ, у бизга ёт деб идроҳ қиладилар, тўғри, лекин, тил қотиб қолган, чегараланган ўлик нарсаси эмас, йиллар давомида у бойиб бориши табиий ҳол. Расмий чиқишлар ва мақолаларда “конституция”, “инновация”, “коммуникация” сўзларини, “цех”, “циркуль”, “целлофан” каби кунда ишлатиладиган сўзларни қандай талаффуз қилиб, қандай ёзиш мумкин?

Яқинда 3-синфда ўқийдиган набира қизимни олдида хижолатда қолдим, сабаби уй вазифасида бўғим кўчириш ҳақида машқ бор экан. Мен ўзим ўрганганим бўғим кўчириш қоида асосида “келдингиз” сўзини “келдингиз”, деб ажратиб бердим. Набирам бу нотўғри, деб туриб олди, мен уни койидим. Кейин билсам ёзувимизга “нг” киритилгани сабабли бу ҳарфлар ажралмас экан ва юқоридаги сўз “келдингиз” қилиб бўғимга ажратилиши зарур экан. Тўғриси, мен лол бўлиб қолдим. Аслида бу мақолани ёзилишига ҳам ана шу воқеа сабаб бўлди. Янги алифбода “Исҳоқ” сўзи “Ishok” кўринишида, “Мўътабар” сўзи “Mo'tabar” кўринишида ёзилишга мажбур. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Бу ҳолат эса ёзувга муҳаббат уйғотмас керак.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб баъзи таклифларни бермоқчи эдим.

- янги имлони жорий қилишдан аввал ундаги камчиликлар тузатилиши керак, яъни бир товуш учун битта ҳарф танлашни шарт;

- “С” ҳарфини “Ц” товуши ифодаси учун таклиф қилиш мумкин;

- “Ў”, “Ф” товушларини ифода қилиш учун тутук белгисига ўхшамаган белгидан, балки, ёзма имлодаги ҳарф устига чизиқдан фойдаланиш мумкиндир;

- “нг” дан умуман воз кечиш керак, чунки “келинг” да у “нг” сифатида талаффуз қилинса, “менга” да мен-га қилиб ажратилади.

Бу камчиликлар бартараф этилмас экан, янги имлони халқимиз қабул қилиши, фарзандларимизнинг саводхонлик даражаси муаммолигича қолаверади.

Имло ўзгариши ҳар доим ҳам икки авлод ўртасида кўринмас тўсиқ пайдо қиладики, у албатта жамиятнинг маънавий ҳаётига таъсир қилмай қолмайди. Тил, унинг ёзувдаги ифодаси бўлмиш имло нафақат, бугунги давр миллатдошларимизнинг, балки келажак авлоднинг ҳам мулкидир. Уни нотўғри талқин қилиш, ўйламай, қандайдир шахсий ёки ўткинчи иддаолар билан ўзгартириш келажакка хиёнат, деб баҳолашни керак.

**Мақсуда ВОРИСОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Фан уфқлари

## ЎЗБЕКИСТОНДА «COVID-19» ИНФЕКЦИЯСИ БЎЙИЧА 6 ТА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

**Соҳалар ривожини ушбу тизимдаги фундаментал ва амалий фан бўйича илмий тадқиқот ишлари, инновацион лойиҳалар ҳамда ҳаётга татбиқ этилаётган ихтиро ва кашфиётлар белгилаб беради.**

Хўш, бугунги кунда тиббиётимизнинг илмий салоҳияти қайд даражада? Жорий йилда қандай илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда? Дунё тиббиёти эътибор марказидаги “COVID-19” инфекцияси бўйича Ўзбекистонда ҳам илмий изланишлар кетмоқдами? **ССВ Матбуот хизмати айна шу саволларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги фанни ривожлантириш бошқармаси бошлиги Акмал Сидиковдан жавоб олди.**

- Айни пайтда мамлакатимизнинг тиббиёт соҳаси бўйича илмий салоҳияти ҳақида тўхталсангиз?

- Айни пайтда олимларимиз тиббиёт соҳасидаги дунёнинг нуфузли конференция, анжуманларида маърузалар қилиб, йирик илмий-маърифий журналларда илмий иш ва мақолалари билан қатнашиб келишмоқда.

Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида 8 нафар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, 831 нафар фан доктори, 1 минг 600 нафардан ортиқ фан номзодлари фаолият юритиб келмоқда. Улар ўз навбатида таълим муассасалари, илмий марказ ва институтларда ишлаб, тиббиёт соҳаси ривожига катта ҳисса қўшапти.

- Бутун дунёда коронавирус инфекциясини даволаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу борада илмий лойиҳалар борми?

- Албатта, ҳозирда дунёдаги барча тиббиёт муассасалари, табиий фан йўналишидаги олим ва профессорлар коронавирус инфекциясида самара берадиган дори воситалари ёки вакцина ишлаб чиқиш борасида илмий изланишлар олиб бормоқда. Ўзингизга маълум, айрим мамлакатлар тажрибалари-

ни эълон қилаётган бўлса-да, ҳали-ҳануз узил-кесил ижобий натижага эришилгани йўқ. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам “COVID-19” инфекцияси бўйича 6 та илмий лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Хусусан, “Коронавирус инфекциясининг тарқалиши ва қайта касалланишининг эпидемиологияси, прогнози ва

ортопедия, офтальмология, эндокринология ва урология соҳаларида юқори технологик жарроҳлик аралашувлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, мушаклар-скелет тизимининг синишини ва касалликларни даволаш, жарроҳлик касалликлар, ўсмаларни олиб ташлаганидан кейин тўқималарни алмаштириш, тиш имплантацияси, фотосенсибилизацияланган ташхис қўйиш, даволаш ва бошқалар учун асбоблар ва улар учун сарфланадиган материаллар яратилган бўлиб, улар учун 100 га яқин ихтироларга талабномалар топширилиб,

профилактикаси”, “Далилларга асосланган тиббиёт асосида “COVID-19”ни этиотроп ва патогенетик даволашнинг янги моделини ишлаб чиқиш” лойиҳалари шулар жумласидан. Бу лойиҳалар “COVID-19” инфекциясининг инсон организмига таъсирини камайтириш ва даволашнинг самарадорилигини оширишга йўналтирилган.

- Жорий йилда яна қандай илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда?

- Сўнгги 10 йил ичида ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра соғлиқни сақлаш тизимида ихтиролар ва фойдали моделлар учун 226 та патент ҳамда ЭҲМ дастури учун 186 та гувоҳномалар олинди. Илмий марказлар ва таълим муассасалари кучлари билан кардиокардиография, нейрохирургия, онкология, трансплантология, травматология ва

ортопедия, офтальмология, эндокринология ва урология соҳаларида юқори технологик жарроҳлик аралашувлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, мушаклар-скелет тизимининг синишини ва касалликларни даволаш, жарроҳлик касалликлар, ўсмаларни олиб ташлаганидан кейин тўқималарни алмаштириш, тиш имплантацияси, фотосенсибилизацияланган ташхис қўйиш, даволаш ва бошқалар учун асбоблар ва улар учун сарфланадиган материаллар яратилган бўлиб, улар учун 100 га яқин ихтироларга талабномалар топширилиб,



**Акмал СИДИКОВ,  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги фанни ривожлантириш бошқармаси бошлиги.**

докторлик (DSc) ва 130 та фан номзодлиги (PhD) ишлари ҳимоя қилинди. Улар асосида бир нечта ихтироларга патент ва ЭҲМ дастурлари учун гувоҳномалар олинди.

## ЭЪТИБОР БЕРИНГ

**Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида 8 нафар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, 831 нафар фан доктори, 1 минг 600 нафардан ортиқ фан номзодлари фаолият юритиб келмоқда. Улар ўз навбатида таълим муассасалари, илмий марказ ва институтларда ишлаб, тиббиёт соҳаси ривожига катта ҳисса қўшапти.**

## ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ

**Сўнгги 10 йил ичида ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра соғлиқни сақлаш тизимида ихтиролар ва фойдали моделлар учун 226 та патент ҳамда ЭҲМ дастури учун 186 та гувоҳномалар олинди. Илмий марказлар ва таълим муассасалари кучлари билан кардиокардиография, нейрохирургия, онкология, трансплантология, травматология ва ортопедия, офтальмология, эндокринология ва урология соҳаларида юқори технологик жарроҳлик аралашувлар ишлаб чиқилди.**

патентлар олинган.

2018 йилдан бери 1 минг 200 нафардан ортиқ илмий ходим билан давлат илмий-техника дастурлари доирасида жами 32,4 млрд сўм миқдоридagi илмий грант ишлари бажарилиб келинмоқда. Шунингдек, жорий йилда тиббиёт фанлари бўйича 164 та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган бўлиб, шулардан 34 та

Хулоса қилиб айтганда, айни пайтда Ўзбекистонда тиббиёт илм-фан соҳасини ривожлантириш учун илмий ишларни кўриб чиқиш ва антиплагиат тизимида текшириш ва унга хулоса бериш борасида янги механизмдан фойдаланилмоқда.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.**

## Шаги реформ

## КАК НАЦИОНАЛЬНАЯ ПРОГРАММА ЭНДОКРИНОЛОГИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ ПОМОГАЕТ ТЫСЯЧАМ ПАЦИЕНТОВ С САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Как в Узбекистане живут пациенты с сахарным диабетом и чем им помогла Национальная программа эндокринологической помощи: рассказывает главный эндокринолог страны Хайдарова Феруза Алимовна.**

19 апреля 2019 года Постановлением Президента Узбекистана была утверждена Национальная программа по совершенствованию эндокринологической помощи населению на 2019-2021 годы. Одним из основных направлений Национальной программы стало повышение качества лечения больных с сахарным диабетом.

В преддверии международного дня борьбы с диабетом, который ежегодно отмечается 14 ноября, **главный эндокринолог Узбекистана и главный врач Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра эндокринологии Хайдарова Феруза Алимовна** рассказала о том, как Национальная программа изменила жизнь больных сахарным диабетом, какие результаты получены и что еще предстоит сделать в этом направлении.

**Как возникла идея Национальной программы и каких целей она должна была достичь?**

Вопрос о создании Национальной программы по совершенствованию эндокринологической помощи стоял давно, еще в начале 2000-х, так как последние изменения в этой отрасли были только в 1992 году. В плановом порядке всегда проводилась работа, направленная на создание системы оказания эндокринологической медицинской помощи населению, развитие материально-технической базы, подготовку профессиональных кадров.

Но одновременно с этим за последние 10-15 лет наблюдался значительный рост заболеваемости сахарным диабетом как 1-го, так и 2-го типа, соответственно и рост числа осложнений, таких как слепота, хроническая почечная недостаточность, диабетическая стопа. Несмотря на предпринимаемые усилия, проблемы все еще оставались: наблюдалась нехватка медицинского оборудования, пациенты не получали современную, эффективную терапию, дети и подростки с первым типом диабета не обеспечивались так называемыми аналогами инсулинов, считающимися золотым стандартом в терапии сахарного диабета.

Ситуация требовала кардинальных перемен в подходе к диагностике и лечению пациентов с заболеваниями щитовидной железы и сахарным диабетом. И, наконец, в 2019 году совместными усилиями врачей-эндокринологов и правительства Узбекистана была разработана Национальная программа, призванная в короткие сроки провести целый ряд важных изменений, которые позволили бы значительно улучшить ситуацию в стране.

**Что удалось сделать за год существования программы?**

Повышенное внимание пациентам с эндокринологическими заболеваниями стало уделяться еще в 2017 году, когда Президент Шавкат Мирзиёев дал поручение повысить качество работы эндокринологической службы. В первую очередь обратили внимание на материально-техническую базу: до этого все 14 диспансеров практически полностью располагались в приспособленных помещениях, не было оборудования. За последние полтора года были выделены бюджетные средства, построены новые диспансеры в Навои, Хорезме, Намангане, Фергане, Кашкадарье, было поставлено новое, самое современное оборудование.

Сегодня в Узбекистане действует вертикальная модель оказания эндокринологической помощи – от обычного кабинета в районном медицинском объединении через областной диспансер и до Центра эндокринологии в Ташкенте. Такая система работает во всех

регионах, помогая разгрузить головные центры и обеспечить помощь пациентам на местах. Благодаря такому подходу людям больше не приходится ездить из областей в столицу на лечение.

Важным направлением работы также является подготовка квалифицированных кадров, повышение знаний и навыков специалистов. Одним из пунктов Национальной программы предусматривалось создание единых национальных стандартов терапии сахарного диабета. В достаточно сжатые сроки, объединив усилия многих специалистов, удалось разработать Национальные рекомендации по ведению сахарного диабета 2-го типа, соответствующие современным международным стандартам. Сегодня врачи в лю-



бом регионе Узбекистана используют проверенные, современные подходы мирового уровня к терапии сахарного диабета.

**Какой результат Национальной программы считают самым важным сами врачи?**

Самым важным для врачей стало то, как изменилась жизнь детей с сахарным диабетом 1-го типа. Раньше его называли "инсулинозависимый" диабет – это состояние, при котором организм не вырабатывает собственный инсулин и требуется его ежедневное введение на протяжении всей жизни. Такой тип диабета развивается чаще всего у детей и подростков, при этом происходят изменения в укладе жизни как самого ребенка, так и его родных и близких.

В контроле сахарного диабета 1-го типа имеют значение большое число различных факторов, но самые важные из них – это адекватный самоконтроль, поддержка родных и близких, а также тип применяемого инсулина. Так, например, именно в связи с применением устаревших типов инсулина, еще в начале 90-х годов, средняя продолжительность жизни детей с сахарным диабетом 1-го типа составляла всего 7 лет.

Сейчас в Узбекистане насчитывается более 3000 детей и подростков с диабетом 1 типа. Именно благодаря Национальной программе, впервые за всю историю Независимости, каждый ребенок в стране сегодня получает наиболее современные, так называемые аналоговые инсулины бесплатно. Именно такой тип инсулинов является золотым стандартом терапии сахарного диабета 1 типа и рекомендован всеми международными организациями.

"Во всем мире дети с диабетом не чувствуют себя исключенными из жизни. Они учатся, работают, занимаются спортом, вырастают и вносят значительный вклад в развитие и процветание своей страны. Мне бы хотелось видеть это и у нас. Я помню детей, которые, к сожалению, не доживали и до 30 лет, а сейчас есть надежда, что наши усилия позволят изменить эту ситуацию и у нас в стране".

Первые результаты работы уже видны: резко уменьшилось количество детей, поступающих в отделения реанимации и

стационары с острыми осложнениями сахарного диабета, уменьшилась обращаемость пациентов и нагрузка на детских эндокринологов на местах. Это значит, что в будущем мы увидим увеличение продолжительности жизни таких больных.

О положительных изменениях говорит и **председатель благотворительного Центра помощи людям с диабетом и другими формами инвалидности "Умид - Д"** в Самаркандской области **Татинцян Каринэ Валерьевна**:

"Умид-Д" – это инициативная группа родителей детей с диабетом. Мы начали свою работу в 1995 году. В нашем фокусе – дети и подростки, живущие с сахарным диабетом 1 типа, их родители, а также взрослые с сахарным диабетом. Сейчас в Самаркандской области на учете состоит более 400 детей и подростков с диабетом, а также молодые люди с 1 типом диабета, которые заболели им еще в детстве.

С принятием Национальной програм-



подростки с первым типом должны следить за уровнем сахара в крови по 4-5 раз в день. Для этого используются специальные приборы – глюкометры и тест-полоски к ним. Финансовые расходы на покупку тест-полосок и глюкометров всегда ложились на бюджет семьи ребенка с сахарным диабетом. Не каждая семья может регулярно выделять деньги на покупку тест-полосок, что в итоге приводит к ухудшению здоровья ребенка и риску развития осложнений. Мы внесли этот пункт в Национальную программу и надеемся при поддержке государства до конца текущего года получить необходимое количество глюкометров и раздавать их детям бесплатно.

К моменту выхода статьи получили информацию о том, что был проведен официальный тендер на закупку средств самоконтроля для детей с сахарным диабетом 1-го типа.

**Как развивается ситуация с лечением больных диабетом второго типа?**

Ситуация по сахарному диабету 2-го типа остается неблагоприятной как во всем мире, так и в нашей стране. Для нас ключевыми факторами в росте заболеваемости сахарным диабетом 2-го типа являются малоподвижный образ жизни, привычка к потреблению жирной, насыщенной пищи. Все это приводит к развитию ожирения, атеросклероза и артериальной гипертензии. При этом заболевание протекает бессимптомно, пациенты обращаются к специалистам уже на этапе развития осложнений со стороны сердца, сосудов и почек.

Как известно, болезнь проще предотвратить, чем лечить, поэтому сегодня врачи сосредоточены на раннем выявлении случаев сахарного диабета среди населения и повышении осведомленности людей о сахарном диабете и его последствиях. Так, в рамках Национальной программы был проведен скрининг населения старше 40 лет в Бухаре, Намангане и Сырдарьинской области. Было обнаружено много неучтенных больных: на одного зарегистрированного пациента приходится 10 пациентов, которые не знают о своем диагнозе. Большое число людей находится в состоянии преддиабета, который при правильном подходе можно устранить полностью и без последствий для здоровья.

"Забота о собственном здоровье лежит прежде всего на самом человеке. Безответственное отношение к своему здоровью ложится дополнительным экономическим бременем на плечи государства. Сегодня узнать о том, есть у вас диабет или нет, очень легко – надо просто сдать кровь на сахар. Это можно сделать в любой поликлинике. Каждый человек старше 40 лет должен регулярно проверять свой сахар крови", – советует эндокринолог.

## Мутахассис маслаҳати

## ЭРТА ТУРМУШНИНГ ЭРТАНГИ ОҚИБАТЛАРИ

**Аёл борки – олам мунаввар... Қалбимизга жо бўлган шу биргина сўздан аёлнинг жамиятдаги ўрни ойдинлашади. Зотан аёл – бу аввало, меҳрбон она, оқ кўнгли опа, жонкуяр сингли ва абадий умр йўлдошидир. Бундан ташқари, у бугунги кунда уй бекаси бўлиши баробарида, жамиятнинг ҳар жабҳасида фаол шахсга ҳам айланиб улгурди. Аммо аёлнинг энг юксак мақоми, олийжаноб фазилати келажак авлод давомийлигининг асосий сабабчиси эканлигидир. Шунинг учун ҳам улар саломатлиги ҳар недан устун.**



Айтиш мумкинки, бугун мамлакатимизда жамиятда соғлом муҳитни таъминлаш мақсадида айнан аёллар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас, албатта. Сабаби, ҳар томонлама баркамол авлод соғлом оиладагина камол топади. Бунинг учун ҳам оила ва жамиятда репродуктив саломатликини мустаҳкамлаш муҳим омил ҳисобланади.

Маълумки, шуларни инобатга олган ҳолда 2019 йил 1 сентябрда Президент қарори билан ёш йигит-қизлар учун никоҳ ёши ўн саккиз ёш этиб белгилаб қўйилди ва бу энг тўғри ҳамда оқилона қарор бўлди. Боиси, оила ҳақиқатан ҳам Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, халқимизнинг муқаддас урф-одатлари сайқал топадиган, шу билан бирга, келажак авлод камолотига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Шунинг учун ёшларнинг

ушбу масъулиятга чиндан ҳам тайёр эканлиги муҳим аҳамият касб этади. Мутахассисларнинг фикрича, йигит-қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустаҳкамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Бироқ, афсуски, шуларни билса-да, айрим ота-оналар кўпинча фарзандининг келажак тақдири, бахт-саодатига бефарқ қараб, ҳали балоғат ёшига етмаган қизини узатиш ёки қариндошимнинг қизи беғона бўлмасин, қабилида иш тутишда давом этмоқда. Оқибатда эса эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ ўзининг салбий натижаларини кўрсатмоқда. Яъни, бу кўп ҳолатларда бўлғуси онанинг соғлиги ва руҳиятига, қолаверса, ёш оиланинг мустаҳкамлиги ҳамда туғилмакчи фарзанднинг саломатлигига жиддий таъсир ўтказмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда бугунги кунда Шайхонтоҳур туманида мутахассисларимиз томонидан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий

маданиятни ошириш ва ёшларнинг никоҳга оид тушунчаларини кенгайтириш, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шу мақсадда жойларда ва маҳаллаларда малакали мутахассислар иштирокида ота-оналар орасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Аҳоли вакиллари билан мазкур мавзуда мунтазам давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. **Жумладан, жорий йилнинг 12 ноябрь кuni Шайхонтоҳур туман марказий поликлиникасида шаҳар аҳоли репродуктив саломатлиги маркази билан ҳамкорликда ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси ўтказилди.** Тадбирларда қиз болани барвақт турмушга бериш ва эрта фарзанд кўриш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишни зарурлиги борасида сўз юритилди. Айниқса, аёллар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом оилани шакллантириш, ўсмир қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, туғма касалликлар, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти аҳолига кенг тушунтирилди. Шунингдек, аёлларнинг қачон ва қандай шароитларда она бўлишини назорат қилиш, онанинг ҳам, туғилмакчи боланинг ҳам саломатлиги учун мақбул шарт-шароитларни яратиш масалаларини қамраб олувчи – репродуктив саломатлик тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Кези келганда, фаолиятимиз билан боғлиқ айрим ҳаётини муқофалар тўғрисида фикрлашсак. Баъзан тиббий кўриклар жараёнида никоҳланувчилар орасида гиёҳвандлик, ОИТС, захм, сил каби касалликка чалинганлар ҳам учрамоқда. Амалдаги қонунлар талабига мувофиқ, юқоридаги касалликлар никоҳ тузиши рад этишга асос бўлмади. Аммо бундай касалликка чалинган ота ёки онадан соғлом фарзанд туғилиши мумкинми? Йўқ албатта. Шун-



га кўра, бугунги кунда мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлатимиз томонидан қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларда белгиланган вазифалар ижроси ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Уларда оналар саломатлигини биргина ҳомиладорлик даврида эмас, балки уларни ўсмирлик давридан соғлом ўсишини таъминлаш чора-тадбирлари илгари сурилмоқда. Тўғри, айни пайтга қадар мамлакатимизда бу жараёнда амалга оширилган тиббий ислохотлар натижасида оналар ва болалар ўлими уч барабар камайди. Бироқ шундай бўлса-да, эрта турмуш оқибатида ёш оналар ва болалар ўлими ҳолати ҳамон учраб турибди.

Таъкидлаш керакки, ҳомиладор бўлиш, фарзанд дунёга келтириш билан боғлиқ жараёнларда она организми ўзидан кўп миқдорда қувват сарфлайди. 16-18 ёшларда эса организм соғлом фарзанд кўриш учун ҳали тўла шаклланмаган бўлади. Кўзи ёриган аёл организми ўзини тиклаб олиши эса 3-4 йил вақт зарур бўлади. Бу бир томондан боланинг она сугига тўйиб ўсишини таъминласа, иккинчи томондан она навбатдаги ҳомиладорликдан сақланади. Умуман олганда, аёллар учун фарзанд кўришнинг энг қулай вақти 20-30 ёш оралиги ҳисобланади. Агар ҳомиладор 20 ёшдан кичик бўлса, унда 30 фоизгача ҳомиланing яхши ривожланмаслиги, чақалоқ кам вазнли бўлиб туғилари.

**Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари кўп ва бунда биринчи навбатда онанинг саломатлиги муҳим муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, соғлом она соғлом фарзандни дунёга келтиради. Шундай экан, жамиятда соғлом авлодни шакллантиришда, энг аввало, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш устувор вазифа бўлиб қолаверади. Яъни, қачонки оилада репродуктив саломатлик қоидаларига мунтазам амал қилинсагина, келажак авлоднинг саломатлигини таъминлашга эришилади.**

**Манзура ЗАЙНУТДИНОВА,**  
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман тиббиёт бирлашмасининг бош гинекологи.

## КУЧЛИ ҚЎРҚУВ ҚАНДЛИ ДИАБЕТГА САБАБ БЎЛАДИМИ?

**Феруза ТОҲИРОВА, тиббиёт фанлари номзоди, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази диабетология илмий бўлими ходими:**

– Агар инсонда диабетга мойиллик бўлса ва у кучли қўрқувни бошдан кечирса, бу инсонда касалликка чалиниш эҳтимоли бор. Сурункали давом этувчи стресс ҳолатлари, уйқусизлик, гипертония касаллиги ҳамда қандли диабет 2-турига мойил бўлганларда айрим дори препаратларини мунтазам қўлланиши (айниқса, глюкокортикоид гуруҳига кирувчи) ушбу касалликнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Меъёрдан ортиқ овқат истеъмол қилиш ва энергияни сарф қилмаслик натижасида организмда энергия баланси бузилади. Одатдагидек сарф бўлмаётган энергия организмда гликоген ва ёғлар кўринишида тўпланиб боради. Бу жараён кучайиб боргани сари организмда инсулинга сезувчанлик камайиб боради ва бу

ҳолат углеводлар алмашинувининг бузилишига олиб келади. Яъни, қандли диабет 2-турининг пайдо бўлиши илтимойий ҳолатга эмас, балки камҳаракатлик, носоғлом ва ортиқча овқатланишга боғлиқ.

Хасталикнинг 2-турининг ўзи хос томони – касалликни олдини олиш имконияти борлигидир. Унинг ривожланишидан олдин диабет олди ҳолатлари кузатилади, яъни қонда қанд миқдори меъёрдан ошади, лекин касаллик даражаларига етиб бормайди. Бу асосан тана вазни ортиқча бўлган инсонларда кузатилади. Кўпинча бу инсонлар ҳеч нарсага шикоят қилмайди, шунинг учун шифокорга мурожаат қилишмайди. Олимлар ҳисобида кўра, ҳозир Ўзбекистонда жуда кўп инсонларда диабет бор, лекин кўпчилик бундан беҳабар юришади. Ҳозирда кенг тарқалган коронавирал инфекцияси

диабет олди ҳолати бўлганларда диабет ривожланишига туртки бўлмоқда ва диабетнинг 2-турига чалинган, лекин ўзи бундан беҳабар инсонларнинг шифокорга мурожаат қилишига сабаб бўлмоқда.

– Ушбу касалликнинг икки хил тури кенг тарқалган. Бошқа турларига чалинган беморларни кам учратасиз. Аммо хасталикнинг турларидан қатъий назар белгилари бир хил бўлади. Қандли диабетнинг 2-тури асосан катта ёшли инсонларда учрайди ва наслдан наслга ўтади. Унинг асосий сабаби соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик ҳисобланади.

Жумладан, нотўғри овқатланиш, камҳаракатлилик оқибатида келиб чиқадиган ортиқча вазн қандли диабетнинг асосий сабабчиси. Боиси, касалликнинг 2-тури ривожланишига инсон танасида мушак тўқимасининг камайиб, ёғ тўқимасининг кўпайиши ҳисобланади. Аммо хасталик семиз бўлмаган инсонларда ҳам ривожланиши мумкин.

Касалликнинг асосий белгилари: оғиз қуриши, чанқаш ва шун-



га яраша керагидан ортиқча суюқлик истеъмол қилиб, кўп пешоб ажралишидир. Шунингдек, бундай беморларда умумий ҳолсизлик, оёқларда оғриқ ва кейинчалик яраларнинг секин битиши кузатилади. Ортиқча вазни бўлган кишиларда қандли диабет иштаҳани ҳаддан ортиб кетиши билан ҳам намоён бўлади.

Касалликнинг дастлабки бел-

гилари кузатилгандаёқ шифокорга мурожаат қилиш лозим. Ҳар бир киши ўзининг танаси вазнини назорат қилиб бориши, унинг меъёрий кўрсаткичлардан ошиб кетишига йўл қўймаглиги талаб этилади.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.**

## Мутахассис тавсияси

ИНСОН ОРГАНИЗМИДАГИ УРОЛОГИК ТИЗИМНИНГ  
ФУНКЦИЯСИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Моддалар алмашинуви жараёнида организмда керак-сиз моддалар пайдо бўлиб, уларни вужуддан чиқариб ташлаш талаб этилади. Урологик тизим организмда ана шундай муҳим филтёр вазифасини бажаради.

Агар мана шу тизим мукамал ишламас, захарли моддалар организмда кўпайиб кетиши натижасида инсон танаси ҳалокатга юз тутиши мумкин. Пешоб ишлаб чиқариш тизимида, аввало, буйрақларнинг аҳамияти катта. Буйрақлар 180-200 грамм оғирликда бўлиб,

умуртқа поғонасининг икки тарафида жойлашади. Улар худди лавиясимон кўринишга эга қўш аъзодир. Буйрақларнинг асосий ишчи тизими – нефронлардир. Нефронлар орқали қон ўтади ва ундан сўнг қон плазмасига ўтказилади.

Фимоз касаллиги, уни уй ша-

роитида қандай даволаш йўллари бор?

– Фимоз касаллиги ўғил болаларда учрайдиган урологик нуқсон. Бунда боланинг олатини ёпиб турувчи кертмак варағи узун бўлиши туфайли унинг тешиги тор бўлади. Натижада олат учида туз йиғилиб, яллиғланиш юзага келади. Бу нуқсонни оддий стерилланган бинт ва беш фоизли синтомицин суртмаси ёрдамида уй шароитида бартираф этиш мумкин.

Бунинг учун чақалоқлар патронажига борган ҳамшира боланинг урологик тизimini яхшилаб кўриқдан ўтказиб, нуқсон аниқланса, онага бола парвариши бўйича маслаҳат ва тавсия бериши лозим. Ўз вақтида кўрилган ана шундай чоралар келгусида баланит, баланопостит каби урологик касалликларнинг олдини олишга замин бўлади.

**Жуманазар БЕКНАЗАРОВ,**  
тиббийёт фанлари доктори,  
профессор:



## Соғлигимиз ўз қўлимизда

## УМУРТҚАЛАРАРО ДИСК ЧУРРАСИ:

Бугунги кунда кўпайиб инсонлар бел оғриқдан шикоят қилишади. Бу умуртқалараро диск чурраси бўлиб, ушбу хасталикка ўз вақтида тўғри ташхис қўйилмаса ва даво муолажалари олиб борилмаса бу албатта, инсон саломатлигига катта зарар етказиши табиий. Бугунги мавзуйимиз мазкур касалликка бағишланади.



Касаллик хуруж қилганда нима қилиш керак? Чурра хуружида кўнгил айнаши, қайт

қилиш, чурра жойлашган соҳа атрофи қўл билан пайпасланганида қоринда тўлғоқсимон оғриқ кузатилади. Чурра катталашиб, таранг бўлиб қолади. Бу ҳолатларда оғриқ қолдирувчи дорилар қабул қилиш тақиқланади.

Чурра ташхиси қўйилгач, ўзбилармонлик билан даволаш асло мумкин эмас! Энг тўғри танлов – шифокор кўригидан ўтиш ҳамда буюрилган даво муолажаларини бажариш. Кимлардир умуртқа поғонасини босиш, уқалаш ва шунга ўхшаш амалиётлар билан даволашни таклиф этади. Бу каби чоралар шикастланган умуртқани янада қийнаб қўйиши, касаллик зўрай-

ишига олиб келиши мумкин.

Умуртқалараро диск чуррасида мушак ва пайлар тортилиб, оғриқ пайдо бўлади. Кислород ва озуқалар етишмаслиги боис қўл-оёқлар музлайди, уюшади, киши ҳолсизланади. Ҳаракатланганда ва юрганда безовталиқ кузатилади. Касаллик ўтказиб юборилса, ногиронлик даражасига чала олиб келиши ҳам мумкин.

Кўпчилик белдаги оғриққа у қадар жиддий эътибор бермайди. «Туз йиғилиши», «нерв толаларининг шамоллаши» каби тахминлар, одатда, хасталикнинг ўтказиб юборилишига сабаб бўлади. Шунингдек, оғриқ қолдирувчи суртмалардан фойдаланиш ҳам кейинчалик айрим асоратларни келтириб чиқариши мумкин.

Умуртқалараро диск чурраси касаллиги умуртқанинг ҳаракатчан бўлган бўйин ва бел қисмларида кўпроқ учрайди. Бемор ўзида ушбу хасталик ри-

вожланаётганини мустақил била олмайди. Шифокор кўриги вақтида ўтказиладиган компьютер ва магнит резонанс томография текшируви хулосаси орқалигина бу борада аниқ ташхис қўйилиши мумкин.

Чурранинг кимда, қачон ва қандай пайдо бўлиши мумкинлигини олдиндан айтиш қийин. Негаки, бу касалликнинг муайян касб эгалари ёки маълум бир ҳудудда яшайдиганларга эмас, балки барчага бирдек хавф солиши эҳтимоли мавжуд. Ҳатто бир ёшгача бўлган гўдакларда ҳам чурраларнинг туғма шакли кузатилади. Аммо оғир меҳнат натижасида ҳам юзага келиши мумкин.

**Касалликни келтириб чиқарувчи омиллар:**

Қорин ички босимининг ошиши;  
- оғир жисмоний меҳнат;  
- тана вазнига нисбатан мунтазам оғир юк кўтариш;

- пешоб ажралишининг қийинлашуви;

- қабзият;

- узоқ вақт безовта қилган йўтал;

- умуртқа остеохондрози;

- шикастланиш;

- камҳаракатлилик;

- ортиқча вазн;

- наслда бу хасталикнинг борлиги;

- аёлларда туғуруқ вақтидаги зўриқишлар чурра ҳосил бўлишига таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

Бундан ташқари, мазкур омилларнинг барчаси чурра бўлганда унинг қисилишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

**Шоҳайдар ШОТУРСУНОВ,**  
Республика  
ихтисослаштирилган  
травмотология ва  
ортопедия илмий-амалий  
тиббийёт маркази  
профессори.

## Соғлом авлод – Ватан келажаги

БОЛАЛАР ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРИ:  
САБАБ, ОҚИБАТ, ДАВО ЧОРАЛАРИ

Онкологик касалликлар нафақат катта ёшдаги аҳоли, балки болалар саломатлигига ҳам жиддий таъсир этаётган муаммолардан биридир. Мутахассисларнинг фикрича, бундай касалликлар профилактикасига оид тадбирларни самарали ташкил этиш ва касалликни эрта босқичда аниқлаш орқали минглаб беморларни соғлом ҳаётга қайтариш мумкин.

Бугунги кунда болалар ўртасида қандай онкологик касалликлар кўп учраётди? Болалар ўртасида учрайдиган онкологик касалликлар ичида гемабластозлар қарийб қирқ фоизни ташкил этади. Шунингдек, марказий асаб тизими ўсмалари, нейробластомалар, буйрак, суяк, юмшоқ тўқималар, қулоқ, томоқ, бурун, жигар ва жинсий аъзолар хавфли ўсмалари учраб туради.

Бундай касалликларнинг келиб чиқишининг асосий сабаблари нимада ва унинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Болаларда онкологик касалликлар юзага келишида эмбрионал омиллар асосий ўрин эгаллайди. Болаларда хавфли ўсма касалликларининг олдини олиш учун, аввало, ота-она соғлом бўлиши, оилада соғлом муҳит яратилиши, инсон зарарли ил-

латлардан холи бўлиши, шунингдек, экологик муҳит мусофоллиги жуда муҳим ҳисобланади. Болада хавфли ўсма ривожланаётганини қандай билиш мумкин? Бола ҳолсизланади, камқонлик ривожланиб боради, тана ҳарорати 37-37,5 гача кўтарилади. Бундан ташқари, тана вазни камаёди, периферик лимфа тугунлари, жағости, қўлтиқости, бўйин, човларда лимфа тугунлари катталашади. Ана шундай аломатлар кузатилса, болани онколог кўригига йўллаш керак. Бугунги кунда худудларимиздаги тиббийёт муассасаларида болаларда онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш бўйича замонавий имкониятлар яратилган. Баъзи болаларда халқимиз тилида нор, хол дейиладиган ҳосилалар бўлади. Булар бола учун хавф туғдирадими? Тиббийёт тилида гемонгиома деб аталади. Бундан ташқари,

болаларда лимфангеомалар, суяк остеоомалари, юмшоқ тўқималарда ҳар хил хол кўринишидаги ҳосилалар учраб туради. Булар хавфсиз ўсмалар ҳисобланади. Бироқ баъзилари хавфли ўсмага айланиши мумкин. Шу боис, боланинг баданидаги бундай ҳосилаларни ота-она ўз билганича бартираф этишга уриниши, холларни юлишга ҳаракат қилиш ёки ҳар хил ёғлар суриб йўқотишга уриниш асло мумкин эмас. Бу оғир оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Агар боланинг баданида бундай ҳосилалар бўлса, албатта, болани тегишли мутахассис кўригидан ўтказиб, шифокор тавсияларига амал қилиш лозим. Оилаларга кириб борганингизда ота-оналарга бу хусусда етарлича тушунча берсангиз болалар саломатлигини асрашга муносиб улуш кўшган бўласиз.

Папиллома вируси инсон соғлигига қанчалик зарар етказиши мумкин? Папиллома вирусли касаллик ҳисобланади. Айрим кўринишлари онкологик хасталикларни келтириб чиқаради. Хусусан, аёллардаги бачадон



бўйни саратони ривожланишида айнан папиллома вируси етакчилик қилади. Бачадон бўйни саратони барча ёшдаги аёллар ўртасида тарқалиши бўйича кўкрак беги саратонидан кейинги ўринни эгаллайди.

Статистик маълумотларга кўра, дунёда биргина 2018 йилда бачадон бўйни саратони билан қарийб 570 минг янги касалланиш ҳолати қайд этилган. Ҳар йили шу касалликдан 311 минг-

дан ортиқ аёллар вафот этади. Жумладан, мамлакатимизда ҳам ҳар йили минглаб нафардан зиёд аёл бачадон бўйни саратони касаллигига чалинмоқда. Касалликнинг олдини олишнинг энг мақбул усули эмлашдир.

**Тождин МУСТАФОВ,**  
Соғлиқни сақлаш  
вазирлиги болалар  
бош онколог, тиббийёт  
фанлари номзоди.

## Билиб қўйган яхши

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ҲАҚИДА БИЗ БИЛИШИМИЗ  
КЕРАК БЎЛГАН АЙРИМ ҲАҚИҚАТЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2017 йил 31 мартдаги 131-сонли буйруғига мувофиқ тез тиббий ёрдамни чақирган фуқаро қуйдагиларни диспетчерга аниқ ва лўнда маълум қилиши керак:**

- Чақирув сабабини  
- Беморнинг фамилия, исми, отасининг исми, ёшини  
- Аниқ манзилни (кўча номи, уй, подъезд, кават, уй ёки мобил телефон рақами, подъезд эшиги коди ва ҳ.к.) ва мўлжални;

Диспетчернинг ҳар бир саволига ҳиссиётларга берилмасдан қисқа ва аниқ жавоб бериш чақирувни қайта ишлаш жараёнини тезлаштиради ва ихтисослиги бўйича тез тиббий ёрдам бригадаси етиб боришини таъминлайди.

Имкон қадар тез ёрдам чақирган фуқаролар тез ёрдам бригадасини кўчада, ҳовлида, подъездда ёки телефон орқали гаплашганда тайинланган жойда кутиб олиши керак. Хавfli уй ҳайвонлари алоҳида ажратиб қўйилган бўлиши лозим.

Тез тиббий ёрдам диспетчери келиб тушган чақирувларни устуворлиги бўйича 3 гуруҳга ажратади:

**1-гуруҳ** шошилини чақирувлар, буларга авария, беҳушлик, болаларда юқори иситма ва тошма тошини бирга келиши, кимёвий ёки дори моддалардан заҳарланиш, осити, чўкиш, танани катта қисмини қуйиши, чуқур ва катта жароҳатлар, талваса, ўткир нафас бузилишлари, фавқулодда вазиятлар, ток уруши, ўз бўйдан баланд бўлган баландликдан йиқилишлар киради.

Диспетчер ушбу чақирувни ихтисослигига мувофиқ айна

пайтда бўш бўлган тез тиббий ёрдам бригадасига чақирув рўйхатга олингандан сўнг 4 дақиқадан кечиктирмай бериши керак.

**2-гуруҳ** тезкор чақирувлар, буларга юрак ритмини бузилишлари, юрак хуружи, астма хуружи, жароҳатлар, ёт жисм, қон кетиш (ошқозон-ичак, бачадон, бурундан), туғруқ, ҳаракат фаоллигини тўсатдан бузилиши, бемор соғлиги ҳолатини тўсатдан ёмонлашиши кабилар киради.

Диспетчер ушбу чақирувни ихтисослигига мувофиқ айна пайтда бўш бўлган тез тиббий ёрдам бригадасига чақирув рўйхатга олингандан сўнг 10 дақиқадан кечиктирмай бериши керак.

**3-гуруҳ** кечиктириб бўлмайдиган чақирувлар, буларга қон босимини жиддий ўзгариши, аллергия, бош оғриши, қорин, елка, кўкрак қафасидаги оғриқлар, ноадекват хулқ-атвор, буйрак санчиғи, қусиш, тошма, иситма (агар иситма таблеткалар билан тушмаса), ўткир пешоб ажралмаслиги, овқатдан заҳарланиш, 1 ёшгача болада хулқ-атворни кескин ўзгариши, оғриқсизлантириш, беморни тиббий ходимдан олинган чақирув бўйича транспортировка қилиш кабилар киради.

Диспетчер ушбу чақирувни ихтисослигига мувофиқ айна пайтда бўш бўлган тез тиббий ёрдам бригадасига ёки соғлиқни сақлашнинг амбулатория-поликлиника хизматига унинг иш вақтида, чақирув рўйхатга олин-

гандан сўнг 20 дақиқадан кечиктирмай бериши керак.

Тез тиббий ёрдам бригадаси чақирувни қабул қилиб олгандан сўнг, чақирув манзилига шаҳар ичида 20 дақиқа ичида, бошқа аҳоли пунктларида эса 40 дақиқа ичида етиб бориши керак.

Юқоридаги ёзилганлардан келиб чиққан ҳолда, агар сиз қон босимингиз ёки иситма сабабли тез ёрдам чақирган бўлсангиз, диспетчер сизни чақирувингизни 20 дақиқа ичида бўш бўлган бригадага беради, ўз навбатида бу бригада чақирув манзилига агар сиз шаҳарда яшасангиз 20 дақиқа ичида етиб боради, агар бошқа аҳоли пунктларида, масалан қишлоқда яшасангиз 40 дақиқа ичида етиб келиши мумкин. Демак сизга тез ёрдам 40 дақиқадан 60 дақиқача бўлган вақтда етиб келиши мумкин, ва бу нормал ҳолат ҳисобланади. Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим, сутканинг тигиз вақтларида бу муддат яна ҳам чўзилиши мумкин бўлиб бу энди нормал ҳолат ҳисобланмайди.

**ҚАНДАЙ ҲОЛАТЛАРДА ТЕЗ ЁРДАМ ЧАҚИРИЛМАЙДИ?**

- Иситма 38,5° гача бўлса, ёки 38,5° дан юқори бўлсаю, физик усуллар (совун сувли аралашмада танани артиш), иситма тушурувчи таблеткалар билан (2 соатгача кутинг) тушса ва бу вақтда поликлиникаларда иш вақти бўлса.

- Қон босими ўзгариши, бемор аҳоли оғир бўлмаса, ўзи юра олса, поликлиникаларда иш вақти бўлса (шахсий тажриба: шунчаки қон босимини ўлчатиш учун бўлган чақирувлар).

- 3 кундан бери оғриётган оёқ ёки қўл учун ярим кечасида (шахсий тажриба: 2 йил аввал ишламай қолган оёғига кечаси



соат 23:00 ларда бўлган чақирув).

- Кечаси ухлай олмаслик (шундай чақирувлар ҳам йўқ эмас).

- Шифокорлар томонидан ёзиб берилган муолажаларни қилиш учун (осма укол, томирдан, ёнбошдан укол ва ҳ.к.лар)

- Эри ёки қайнонаси билан жанжаллашиб ўрин кўрпа қилиб ётиб олган истерияларга (шахсий тажриба: бундай чақирувлар тез-тез учраб туради)

- Маст қилувчи ичимликларни босиб ичиб олган ичкиликбозларга кайфини тарқатиш учун.

**Тез тиббий ёрдам кечиктирилганда қарши Сиз нима қилишингиз мумкин?**

- Аввало юқорида ёзилганларга амал қилинг

- Ҳозироқ дарвозангизга (эшигингизга) уй рақамини кўринари қилиб илиб қўйинг.

- Кўчангиз бошига ва керакли жойларга кўча номларини ёзиш

**Ушбу постни ўқиб тўғри қабул қиласиз деган умидда ёзилди. Агар ҳар бир инсон ўзига тегишли ишларда шижоат кўрсатса жамиятдаги муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.**

«Врачи Узбекистана» телеграм каналдан олинди.

тўғрисида, кўп қаватли уйлarga уй рақамларини катта ва кўринари қилиб қўйиш ҳақида қайғуринг(маҳаллий ҳокимлик органларига мурожаат (талаб) қилинг).

- Тез тиббий ёрдам чақирганда доим кўринари жойда, кўчада, кўча бошида, подъездда кутиб олинг.

- Туғруқ учун тез ёрдам чақирманг (агар автомобилнинг бўлса ва аёлни аҳоли оғир бўлмаса, одатий тўлғоқ тутаетган бўлса).

**Тез тиббий ёрдам шифокори нима қилиши мумкин?**

- Аввало САБР  
- Ўз устида тинмай ишлаш (тўғри ҳозирги маош ва шароитда бу мушкул, лекин шундай бўлса ҳам шифокорга замондан ортда қолиш ярашмайди).

- Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларида давом этиш

## Долзарб мавзу

ДУНЁ БЎЙЛАБ ҲАР ЙИЛИ 6 МИЛЛИОНГА ЯҚИН ИНСОН  
ТАМАКИНИНГ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРИДАН ВАФОТ ЭТАДИ

**Халқаро чекишдан воз кечиш куни ҳар йили ноябрь ойининг учинчи пайшанбасида нишонланади. Бу йил ушбу сана бугун – 19 ноябрига тўғри келди.**

1977 йилда Америка саратон касаллиги жамияти (American Cancer Society) саратон касаллигига чалинганларнинг қайғули статистикасини ўрганиб чиқиб, биринчи марта чекишдан воз кечиш кунини жорий этди. Кўп ўтмай, бутун дунё ушбу фойдали ташаббусга қўшила бошлади.

Халқаро чекишдан воз кечиш кунини ушбу зарарли одатнинг барча хавф-хатарларини эсга олиш мақсадга мувофиқ.

Никотин танадаги метабولىк жараёнга халақит берувчи, миянинг фаолияти ва физиологик функцияларига таъсир қилувчи алкоголь ва бошқа психоактив моддалар каби одамда ўрганишни келтириб чиқаради. Шу тарзда тамакига жисмоний боғлиқлик шаклланади. Одам доимий никотин оқимига ўрганиб қолади. Тамакидан фойдаланиш тўхтатилса, ташвиш ва хавотир ҳисси пайдо бўлади. Бу жисмоний қа-

рамликнинг сигналидир. Чекишга бўлган эҳтиёж овқатланишга бўлган эҳтиёж билан тенглашиб қолади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти чекиш таъсири остида организмда ривожланиши кучайдиган 25 дан ортиқ касаллик (юрак-қон томир, ўпка ва саратон) ҳақида хабар беради. Тиббий тадқиқотлар бўйича Британия Кенгаши олимларининг кўп йиллик тадқиқотида ўпка саратони ва миокард инфарктининг чекиш билан боғлиқлиги ҳақида жиддий илмий далиллар келтирилган. Юрак ишемик касаллигини ва инсулътдан ўлим ҳолатларининг 70 фоизи чекувчи ва спиртли ичимликлар ичувчи одамларга тўғри келади. Статистик маълумотларга кўра, ҳар бир чекувчи ўз ҳаётини 18 йилга қисқартиради.

ЖССТ маълумотларига кўра, тамаки маҳсулотининг инсон организмга зарари таъсиридан ҳар йили сайёраимизнинг 6 мил-

лионга яқин аҳолиси вафот этади. Уларнинг 12 фоизи чекувчи бўлмаган (пассив чекувчилар)дир. Энг ачинарлиси, болалар пассив чекувчилар бўлиб қолмоқда. Яъни улар атрофидаги одамларнинг чекиши оқибатида тамаки тутунни аралаш ҳаво билан нафас оладилар. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳатто пассив чекиш ҳам одамда касалликка чалиниш, ногиронликка йўлиқиш ва ўлим хавфини оширади.

Чекувчилар зарарли одатдан воз кечиш ҳақида айниқса пандемия даврида жиддийроқ ўйлашлари лозим. Маълум бўлишича, чекиш оғиз орқали COVID-19ни юқтириш хавфини оширади. Бундан ташқари, зарарли одат туфайли ўпкаси зарарланган чекувчиларда коронавирус келтириб чиқарган пневмония қийинроқ кечади. АҚШ олимларининг фикрига кўра, чекувчилар орасида коронавирус билан боғлиқ оғир ҳолатлар чекаманларга қараганда кўпроқ. Шунингдек, тамаки тутунни касалликка қарши иммунитетнинг бирламчи курашувчан жавобига сабаб бўлувчи



интерферонларни блоклайди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар қандай тамаки маҳсулотларини, шу жумладан филтрли ёки энгил сигареталарни чекиш соғлиқ учун хавfli эканлиги ҳақида огоҳлантиради.

Дунёда тамакидан воз кечишнинг юздан ортиқ усуллари мавжуд. Психологларнинг таъкидлашича, чекишни ташлаш жараёнида энг қийини дастлабки уч

кунни бошдан кечиришдир. Агар чекишдан воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлсангиз, ижобий жиҳатлар ҳақида ўйланг. Асосий ва энг катта ютуқ – сизнинг соғлигингиз ва фаровонлигингиздир. Ижобий муносабат ва ўзингизга бўлган ишончни сақланг. **Чекишдан воз кечиш қўлингиздан келади!**

Муҳаммадjon БОЗОРОВ.

## Реформы здравоохранения

## СОХРАНЯЯ ЖИЗНИ ЛЮДЕЙ

Выступая на 75-й сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций, глава нашего государства отметил, что наша цель заключается в совместном формировании справедливой глобальной системы, которая будет обеспечивать основные права и свободы, здоровье и благополучие каждого человека. Президент страны выдвинул инициативу разработать под эгидой ООН Международный кодекс о добровольных обязательствах государств в период пандемии. В этом документе должны быть отражены обязательства каждого государства перед своими гражданами и международными партнерами.



ластного центра фтизиатрии и пульмонологии Тулкин Зияев. - Передаваемая воздушно-капельным путем при разговоре, кашле и чихании страшная болезнь обычно поражает лёгкие, реже затрагивая другие органы и системы. Чаще всего после инфицирования бактериями заболевание протекает в бессимптомной, скрытой форме, но примерно один из десяти случаев скрытой инфекции, в конце концов, переходит в активную форму. В настоящее время нами применяются эффективные методы, позволяющие выявить и вылечить заболевание на ранних стадиях развития. Постановление главы нашего государства от 13 февраля 2019 года "О мерах по совершенствованию системы оказания специализированной фтизиатрической и пульмонологической помощи" служит для нас руководством к действию.

На сегодняшний день в центре могут одновременно проходить стационарное лечение 220 пациентов. Об их здоровье заботятся 19 врачей, два провизора и более 130 медицинских

работников. В отделениях фтизиатрии, паллиативного лечения, торакальной хирургии, анестезиологии и реанимации, диагностики трудятся настоящие профессионалы своего дела, эффективно внедряющие в практику современные методы лечения респираторных заболеваний. Сложнейшие операции проводят хирурги Дилшод Худайназаров, Бекзод Тошмуродов, Артикали Байматов. А врач Абдор Парлиев недавно защитил докторскую диссертацию, посвященную вопросу развитию диагностики, терапевт Талгат Галиулин вскоре намерен защитить кандидатскую.

В центре установлен один из лучших в мире диагностических аппаратов от французского производителя "GeneXpert". Также работают поликлиника, клиническая и биохимическая лаборатория, прачечный комплекс.

Специалисты активно сотрудничают с коллегами из Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра фтизиатрии и пульмонологии. Проводят широкую разъяснительную работу среди населения, регулярно выезжают на места с мобильным флюорографическим оборудованием. Осуществляют постоянный анализ и мониторинг региональной эпидемиологической обстановки, изучают тенденции распространения туберкулеза, в том числе его лекарственно-ус-



лечных корпусов, рассчитанных на 110 койко-мест. На эти цели направлено более пяти миллиардов сумов. А в следующем году начнется строительство третьего корпуса, куда войдут операционный блок, отделения фтизиатрии и анестезиологии. Также намечается строительство нового здания банно-прачечного комплекса. При поддержке област-



За последние годы в Узбекистане реализуются масштабные меры по реформированию сферы здравоохранения, улучшению качества медико-санитарных услуг, противодействию распространения опасных заболеваний.

На эти цели выделяются колоссальные средства из бюд-

жета, привлекаются кредиты коммерческих банков, создаются условия для ускоренного развития государственно-частного партнерства.

- На протяжении многих веков туберкулез считался неизлечимым заболеванием, - рассказывает исполняющий обязанности директора Ташкентского об-

ластного центра фтизиатрии и пульмонологии Тулкин Зияев. - Передаваемая воздушно-капельным путем при разговоре, кашле и чихании страшная болезнь обычно поражает лёгкие, реже затрагивая другие органы и системы. Чаще всего после инфицирования бактериями заболевание протекает в бессимптомной, скрытой форме, но примерно один из десяти случаев скрытой инфекции, в конце концов, переходит в активную форму. В настоящее время нами применяются эффективные методы, позволяющие выявить и вылечить заболевание на ранних стадиях развития. Постановление главы нашего государства от 13 февраля 2019 года "О мерах по совершенствованию системы оказания специализированной фтизиатрической и пульмонологической помощи" служит для нас руководством к действию.

ластного центра фтизиатрии и пульмонологии Тулкин Зияев. - Передаваемая воздушно-капельным путем при разговоре, кашле и чихании страшная болезнь обычно поражает лёгкие, реже затрагивая другие органы и системы. Чаще всего после инфицирования бактериями заболевание протекает в бессимптомной, скрытой форме, но примерно один из десяти случаев скрытой инфекции, в конце концов, переходит в активную форму. В настоящее время нами применяются эффективные методы, позволяющие выявить и вылечить заболевание на ранних стадиях развития. Постановление главы нашего государства от 13 февраля 2019 года "О мерах по совершенствованию системы оказания специализированной фтизиатрической и пульмонологической помощи" служит для нас руководством к действию.

ластного центра фтизиатрии и пульмонологии Тулкин Зияев. - Передаваемая воздушно-капельным путем при разговоре, кашле и чихании страшная болезнь обычно поражает лёгкие, реже затрагивая другие органы и системы. Чаще всего после инфицирования бактериями заболевание протекает в бессимптомной, скрытой форме, но примерно один из десяти случаев скрытой инфекции, в конце концов, переходит в активную форму. В настоящее время нами применяются эффективные методы, позволяющие выявить и вылечить заболевание на ранних стадиях развития. Постановление главы нашего государства от 13 февраля 2019 года "О мерах по совершенствованию системы оказания специализированной фтизиатрической и пульмонологической помощи" служит для нас руководством к действию.

ластного центра фтизиатрии и пульмонологии Тулкин Зияев. - Передаваемая воздушно-капельным путем при разговоре, кашле и чихании страшная болезнь обычно поражает лёгкие, реже затрагивая другие органы и системы. Чаще всего после инфицирования бактериями заболевание протекает в бессимптомной, скрытой форме, но примерно один из десяти случаев скрытой инфекции, в конце концов, переходит в активную форму. В настоящее время нами применяются эффективные методы, позволяющие выявить и вылечить заболевание на ранних стадиях развития. Постановление главы нашего государства от 13 февраля 2019 года "О мерах по совершенствованию системы оказания специализированной фтизиатрической и пульмонологической помощи" служит для нас руководством к действию.

ластного центра фтизиатрии и пульмонологии Тулкин Зияев. - Передаваемая воздушно-капельным путем при разговоре, кашле и чихании страшная болезнь обычно поражает лёгкие, реже затрагивая другие органы и системы. Чаще всего после инфицирования бактериями заболевание протекает в бессимптомной, скрытой форме, но примерно один из десяти случаев скрытой инфекции, в конце концов, переходит в активную форму. В настоящее время нами применяются эффективные методы, позволяющие выявить и вылечить заболевание на ранних стадиях развития. Постановление главы нашего государства от 13 февраля 2019 года "О мерах по совершенствованию системы оказания специализированной фтизиатрической и пульмонологической помощи" служит для нас руководством к действию.

ластного центра фтизиатрии и пульмонологии Тулкин Зияев. - Передаваемая воздушно-капельным путем при разговоре, кашле и чихании страшная болезнь обычно поражает лёгкие, реже затрагивая другие органы и системы. Чаще всего после инфицирования бактериями заболевание протекает в бессимптомной, скрытой форме, но примерно один из десяти случаев скрытой инфекции, в конце концов, переходит в активную форму. В настоящее время нами применяются эффективные методы, позволяющие выявить и вылечить заболевание на ранних стадиях развития. Постановление главы нашего государства от 13 февраля 2019 года "О мерах по совершенствованию системы оказания специализированной фтизиатрической и пульмонологической помощи" служит для нас руководством к действию.

ластного центра фтизиатрии и пульмонологии Тулкин Зияев. - Передаваемая воздушно-капельным путем при разговоре, кашле и чихании страшная болезнь обычно поражает лёгкие, реже затрагивая другие органы и системы. Чаще всего после инфицирования бактериями заболевание протекает в бессимптомной, скрытой форме, но примерно один из десяти случаев скрытой инфекции, в конце концов, переходит в активную форму. В настоящее время нами применяются эффективные методы, позволяющие выявить и вылечить заболевание на ранних стадиях развития. Постановление главы нашего государства от 13 февраля 2019 года "О мерах по совершенствованию системы оказания специализированной фтизиатрической и пульмонологической помощи" служит для нас руководством к действию.

УРСОДЕЗОКСИХОЛЕВАЯ КИСЛОТА ОКАЗАЛАСЬ  
ЭФФЕКТИВНОЙ ПРОТИВ КОРОНАВИРУСА

новое средство, способное спасти сразу несколько органов.

**«Последние исследования китайских ученых показали, что урсодезоксихолевая кислота обладает способностью снижать воспаление дыхательных путей и служить средством профилактики воспаления и фиброза легких.»**

При этом традиционно урсодезоксихолевая кислота применяется для лечения и профилактики заболеваний печени. Применение УДХК значительно уменьшает воспалительную клеточную инфильтрацию и разрушение альвеол, улучшает индекс оксигенации, исправляет соотношение сухости и влажности легочной ткани, а также способствует нормализации проницаемости альвеолярного капиллярного барьера. О противовоспалительных свойствах УДХК для легких говорили также бельгийские исследователи в 2012 году и турецкие специалисты в 2016 году.

Урсодезоксихолевая кислота (УДХК) - это нетоксичная желчная кислота, которая является естественным компонентом желчи человека. Но у нас, в отли-

чие от медведей, ее концентрация невелика - всего 3-5%. Кислота может встраиваться в мембраны гепатоцитов (клеток печени) и холангиоцитов (клеток желчных путей), стабилизировать их структуру. Таким образом УДХК помогает защитить от повреждающего действия солей токсичных желчных кислот. Согласно международной классификации лекарственных препаратов, УДХК является гепатопротектором, то есть это препарат-защитник печени и желчного пузыря.

Другие важные эффекты УДХК - нормализация обмена холестерина, профилактика камнеобразования и растворение камней в желчном пузыре. Урсодезоксихолевая кислота снижает выработку холестерина в клетках печени и уменьшает его всасывание в кишечнике. За

счет этого концентрация холестерина снижается и в крови, и в желчи. А в желчном пузыре начинают растворяться уже имеющиеся камни и не формируются новые.

Кроме того, УДХК за счет своих гидрофобных свойств оказывает антиоксидантное и желчегонное действие - она делает желчные кислоты водорастворимыми и тем самым снижает раздражение слизистой оболочки. Отсюда вытекают показания к применению: желчный рефлюкс-гастрит и рефлюкс-эзофагит, неосложненная желчнокаменная болезнь, дискинезии желчевыводящих путей, хронические гепатиты, алкогольная и неалкогольная болезнь печени, а также холестатические заболевания печени, в том числе, первичный билиарный цирроз (при отсутствии признаков декомпенсации), первичный склерозирующий холангит, муковисцидоз».

**Сергей ВЯЛОВ,**  
врач-гастроэнтеролог,  
гепатолог, к.м.н.

## 101 хизмати

ТАБИЙ ГАЗДАН ТЎҒРИ  
ҲОЙДАЛАНАЙЛИК

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2992-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 40-баёни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрь кундаги 901-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимияти қошида ишчи гуруҳлар ташкил этилиб маҳалларда жойлашган аҳоли яшаш уйлари, кўп қаватли турар жой биноларини хонадонлари ҳамда масканларда хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, ис газидан захарланишни олдини олиш, хонадонларга ўрнатилган дудбуронларни ўз вақтида техник кўриқдан ўтказиш, носоз дудбуронлардан, қўл бола ясалган ностандарт электр иситиш мосламаларидан, ўрнатилган газ плиталардан хонадонни иситиш мақсадида фойдаланмаслик, газ мосламалрига резина шланг уламаслик, хонадонларда ўтин, кўмир ва бошқа қаттиқ ёқилғи билан иситиладиган печлардан фойдаланмаслик бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**Ҳасан САБИРОВ,**  
Миробод тумани ФВБ  
инспектори катта сержант.

## ТАЙИНЛОВ

Қашқадарё вилояти Соғлиқни сақлаш  
бошқармаси бошлиғи ўзгарди

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғи билан Республика шoshiлинич тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали директори вазифасида ишлаб келган Тулаков Равшан Панжиевич Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Тиббиёт фанлари номзоди, 48 ёшли Равшан Тулаков Республика шoshiлинич тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали хирургия бўлими вақили, филиалнинг умумий масалалар бўйича директор ўринбосари лавозимларда ишлаган.

Эслатиб ўтамиз, Президентимизнинг жорий йил 12-13 ноябрдаги Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида тизимдаги қатор муаммолар танқидий кўриб чиқилган эди. Янги раҳбарга ҳудуднинг тиббий салоҳиятини юксалтириш, чекка қишлоқ жойларига малакали тиббиёт ходимларини жалб қилиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш маданиятини ошириш каби қатор муҳим вазифалар юклатилди.

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини  
ривожлантириш марказида тайинлов

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директорининг ўринбосари ва марказ клиникаси бош вақили тайинланди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг шу йилнинг 23 ноябрдаги тегишли буйруғига асосан Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори лавозимида ишлаб келаётган Худойбергенов Шухрат Абдуллаевич Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари – марказ кўп тармоқли клиникаси бош вақили лавозимида тайинланди.

Тиббиёт фанлари номзоди Шухрат Худойбергенов фаолияти давомида Академик В. Ваҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида хирург-шифокор, катта илмий ходим, бўлим мудири, шунингдек, Республика шoshiлинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали директори лавозимларида меҳнат қилган.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши  
филиалига директор тайинланди

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғи билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлими раҳбари вазифасида ишлаб келган Юлдошев Набижон Пиримович шу марказнинг Қарши филиали директори этиб тайинланди. Тиббиёт фанлари доктори Набижон Юлдошев Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази навбатчи шифокори, аспиранти, юрак аритмияси лабораторияси кичик илмий ходими, юрак аритмиясининг оғир турларини жарроҳлик йўли билан даволаш ва электрофизиология текшируви бўлими мудири лавозимларида ишлаган. 2016 йилда Швейцарияда беморларни даволашнинг юқори технология усули – “тери орқали аортал клапан имплантацияси – TAVI” жарроҳлик амалиётини ўзлаштирди ва мамлакатимизда уни биринчилардан бўлиб амалга оширди.

2018 йилда Набижон Юлдошев Хитой Халқ Республикасида юрак туғма нуқсонларини катетер орқали ёпиш усулини ўзлаштириб, ҳозирга қадар болалар ва катталарда учрайдиган бўлмачалараро тўсиқ дефекти, қоринчалараро тўсиқ дефекти, очик артериал йўл сингари юракнинг бир қатор мураккаб туғма нуқсонларини катетер орқали окклюдерлар билан ёпиш амалиётларида муваффақиятли иштирок этган.

У дунёнинг бир қатор давлатларида – Россия, Франция, Япония, Хитой, Польша, АҚШ, Корея Республикасидаги конгресс ва форумларда ўз маърузалари билан қатнашган.

Соҳадаги самарали фаолияти эътироф этилиб, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони билан тақдирланган.

Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш  
кодекси лойиҳаси тайёрланди

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Соғлиқни сақлаш кодекси лойиҳасини ишлаб чиқди. Ҳужжатда соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалдаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларини бирлаштириш ва унификациялаш тақлиф этилади, деб хабар берди Norma.

Маълум қилинишича, ҳужжат 21 боб ва 180 моддадан иборат. Унда соғлиқни сақлаш тизимини ва тиббий ёрдамни ташкил қилиш масалалари ёритилган. Тиббиёт ва фармацевтика фаолияти, соғлиқни сақлаш соҳасидаги тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тартибга солинади.

Лойиҳага давлат томонидан тартибга солиш, соҳани бошқариш, тиббиёт муассасалари назорати, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги идоралараро ўзаро муносабатлар тартиби киритилган.

Кодексида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш механизmlарини тавсифловчи бўлимлар мавжуд. Шунингдек, у санитария-эпидемиология назоратини ташкил қилишни тавсифлайди. Бундан ташқари, ҳужжат соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим ва илмий фаолиятни тартибга солиш масалаларини қамраб олган.

Лойиҳа муҳокамаси  
2020 йил 4 декабрда давом этади.

## Обуна – 2021



Ҳурматли муштарийлар!  
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2021 йил обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасblларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!  
Нашр индекси: 128.

## Эътироф

ЯХШИЛИК  
ҚИЛГАН ЕТАР  
МУРОДГА

Кимдандир меҳр-мурувват, хайр-саховат кўрсанг, эслаб юрасан. Бу – инсон зотида хос ажойиб фазилат. Сенга яхшилик қилган киши бунини унутиб юборади, аммо у қилган савоб амалнинг ўзгалар томонидан тилга олиниши ёки ёд этилишида яна бир қарра ҳикмат мужассам.

2014 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Президенти администрациясига қарашли «Қибрай» клиник санаторийсида жисмоний тарбия шифокори сифатида фаолият кўрсатиб келар эканман, яхшилик қилишдан завқ туядиган, бунини ўз умрининг мазмунига айлантган кишиларни кўрдим. Ўзгалар хоҳиш-истагини инobatга олган ҳолда ақл билан иш тутадиган бундай инсонлар ҳаммаша улугланади, дуо қилинади.

Ўз умрини тиббиёт соҳасига бағишлаб келаётган инсонлардан бири Мирносир Мирюнусов ҳақида аввал ҳам илиқ гаплар эшитиб юрдим. У киши Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган 1-республика клиник шифохонасини кўп йиллар бошқариб, халқимиз саломатлигини асраб-авайлаш борасида ўз хизматини аямаган.

2018 йилнинг август ойида даволаш муассасамизга бош шифокор қилиб тайинланган Мирносир ака барча ходимларнинг лавозим ставкаларини қайтадан кўриб чиққач, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш чора-тадбирларини белгилашга киришди. Оилавий шароити қийин ходимларнинг қамайтирилган ставкаси ўз жойига тикланди. Жумладан, бош шифокор менинг хомиладорлигимни инobatга олган ҳолда иш ставкам миқдорини кўпайтириб берганидан бошим осмонга етди.

Айни пайтда мен санаторийнинг даволоччи физкультура бўлимида ўз иш фаолиятимни давом эттириб келмоқдаман. Муассасамизга турли ёшдаги кишилар ўз соғлигини тиклаш учун келишар экан, мен каби ўз ишидан мамнун бўлиб меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг хизматидан баҳраманд бўлишмоқда. Бадантарбия машқлари бажариладиган хонамизда тренажёр воситалари, обруч, ўқлов, арқон, шунингдек, умуртқа поғонаси аъзолари функциясини яхшилашга ёрдам берадиган мосламалар мавжуд. Хоҳлаган даволанувчилар бу хонага кириб, ўз саломатликларини тиклаши мумкин.

Дилфуза ШОДМОНОВА,  
«Қибрай» клиник санаторийси мутахассиси.

## Диққат!

Ҳурматли муштарийлар!  
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасининг телеграм ижтимоий тармоғидаги расмий канали доимий фаолиятда.

Эндиликда сеvimли нашрингизнинг ҳар бир сонини PDF формат шаклида @uzssgzt манзили орқали кузатиб боришингиз мумкин.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 1028 нусха.  
Буюртма Г-1150.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.